



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 10 ноябр, жума № 44 (427)

Сотувда нархи эркин

Тошкентда жаҳон тажрибасининг янги хизмат тури — банк хизматларини почта алоқаси бўлимлари орқали бажариш масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда 20 га яқин мамлакатларнинг вакиллари иштирок этди. Унда Бутунжаҳон почта Иттифоқи, Голландиянинг транспорт, жамоат ишлари ва

тадбирлар бажарилди.

Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникация соҳаси фаолиятининг барча курилишларини ривожлантиришга Давлат ва ҳукумат томонидан катта эътибор берилмоқда.

МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, Ўзбекистонда, 1992 йили почта хизмати электралоқадан ажратилди ва мустақил хизмат тури сифатида

тида жаҳон тажрибаларидан фойдаланишда почта тармоғи шахобчалари, почта, банк ва телекоммуникация хизматларининг кенг мажмуасини курсатишлари мумкин.

«Ўзбекистон почтаси» ДАК томонидан ишлаб чиқилган ва Агентлик маъқуллаган «Почта алоқа автоматлаштирилган тизимларини жорий этишнинг 1999-2010 йилларга мўлжал-

ФАХРИЙЛАР ЎЗОЗДА

Яқинда «Наманган Телеком» акциядорлик жамиятида бир гуруҳ фахрийларни нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда жамият бош директори К. Боқиев сузга чиқиб, Наманган вилоят электралоқа корхонасига куп йиллар раҳбарлик қилган, ҳозирда АЖ бош директорининг уринбосари Ҳамидулла Нурматовни, тажрибали иқтисодчи, АЖ ижроия аппарати иқтисод статистика ва таҳлил бўлими бошлиғи Венера Аҳмедовна Абдуллинани диспетчерлик хизмати ходимлари Мавлудахон Муродуллага ва Ҳабибахон Азизова, фаррош Маҳмудхон Абдураҳмоноваларнинг меҳнат фаолияти ҳақида илиқ фикрларни айтди. Уларнинг «Наманган Телеком» АЖ тараққиётига қушган салмоқли ҳиссаларига муносиб баҳо бериб, акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси ва дирекцияси но-

мидан миннатдорчилик билдириб, фахрийларга қимматбахо совғалар топширди.

Мазкур тантанادا вилоят алоқа ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси раиси М. Муқимов ҳам фахрийларни табриклар уз совғаларини топширди.

Шундан сунг сузга чиққан фахрийлар Ҳ. Нурматов, В. Абдуллина ва М. Абдураҳмоновалар курсатилмаётган эътибор учун миннатдорчилик билдиришди.

«Наманган Телеком» АЖ бош директорининг ташаббуси билан корхона фахрийларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга эътиборни кучайтириш мақсадида «Наманган Телеком» АЖ фахрийлар уюшмаси кенгаши ташкил этилди. Мазкур кенгаш раиси этиб Ҳ. Нурматов сайланди.

Ш. ПАРПИЕВ,
Наманган вилояти

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ

сув ҳужалиги вазирлиги, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкилотчилиги қилишди.

Бутунжаҳон почта Иттифоқи халқаро бюроси директори Т. Е. Ливи, Голландия почта ва телекоммуникация халқаро департаменти директорининг бошлиғи И. Алберст, шу мамлакат почта банки, Европа тараққиёт банки вакиллари, МДХ мамлакатлари раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Ф. Абдуллаев, «Ўзбекистон почтаси» ДАК Бош директори К. Рахимов, «Алоқабанк» бошқаруви раиси К. Кимлар маъруза қилишди.

Почта-банк хизмати эса янги иш, уни амалга ошириш истиқболига ҳам катта ишонч билан қаралмоқда. Шу мавзуда конференция ўтказишни Ўзбекистон тасолифан танлагани йўқ. Зеро, 1996 йили Будапештда, 1998 йили Йоганнесбургда ўтказилган конференцияларда муаммолар муҳокама қилинди. Голландия почта алоқаси ва банк ташкилотлари тажрибалари урганилган эса Ўзбекистонда бу янги ишда амалий силжишларга эришилди. Почта-банк хизматини амалга оширишдаги катта лойиҳада дастлабки

шакллана бошлади. Халқаро почта, почта туловлари белгиларини нашр қилувчи «Ўзбекистон маркаси» маркалари очилди. Ҳозир республика почта тармоқларида 196 та туман ва шаҳар боғламалари, 3000 дан ортиқ алоқа бўлимлари (шуларнинг учдан икки қисми қишлоқ худудларида) фаолият курсатмоқда, уларда 14 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Почтанинг одатдаги юмушлари қаторига қўшимча хизмат турлари жорий этилмоқда. Почта корхоналари моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш мақсадида кейинги икки йил ичида 300 та автомобиль, 256 та компьютер, юзлаб почта касса аппаратлари, моделлар, факслар, ксерокс, электрон тарозилар ва бошқа нарсалар сотиб олинди.

Самарадорлигини ошириш мақсадида 1997 йили почта алоқаси корхоналари акциядорлик жамиятларига айлантирилди ва «Ўзбекистон почтаси» ДАК ташкил этилди.

Жорий йилнинг 31-августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Почта алоқаси ҳақида» қонун қабул қилди.

Экспертлар банк хизматларини почта бўлимлари орқали амалга оширишни айниқса қишлоқ жойларда аҳоли учун ниҳоятда фойдали деб ҳисоблашмоқда.

Ўзбекистон почта-банк хизма-

ланган дастури» масалаларини ҳал этиш уч босқичга мўлжалланган бўлиб, почта алоқаси бўлимлари ва боғламаларининг барчасини почта ва банк хизмати тармоқларига уланишини назарда тутди.

Лойиҳа учун зарур 5,5 млн. АҚШ долларлари «Ўзбекистон почтаси» ДАК «Алоқабанк» ва чет эл сармоядорлари томонидан сарфланади.

Анжуманда нафақат Ўзбекистоннинг лойиҳа ва тажрибалари урганилди. МДХ ҳамда бошқа мамлакатлар вакиллари ҳам бу масалаларга амалий ёндашишларини айтишди.

Алоқа соҳасидаги ҳамдустлик ҳудудий ижроия қўмитасининг бош директори жаноб Е. Манякиннинг ҳамдустлик мамлакатлари почта банклари концепциясини ривожлантиришда минтақавий ҳамдустлик алоқачиларининг роли ҳақидаги маърузасини қатнашчилар катта қизиқиш билан тингладилар. БМТнинг почта жамғармалари буйича лойиҳани мувофиқлаштирувчиси Жаноб Марк Шер почта жамғармалари, почта тармоқлари орқали омонатларни беришнинг хавфсиз ва комплекс вариантлари ҳақида ахборот берди.

А. КУДИНОВ

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИҚДА

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг энергетика ва автоматика институти олимлари алоқа тизимини ривожлантиришнинг илмий асосларини яратиш учун тинмай изланишлар олиб боришмоқда. Электр таъминоти-нинг шамол-қуёш тизими воситасида алоқа хизматини йўлга қўйишга доир тадқиқотлар ҳам яқши натижалар бермоқда.

Илмий муаммони ҳал этиш жараёнлари Европа Иттифоқи

«Инко-Коперникус» халқаро дастури доирасида амалга оширилаётган. Институт бу йирик тадқиқотни рўвбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ушбу изланишнинг китоб ҳолида чоп этиш учун эса биргаликда иш олиб борилди.

А. АЛИЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янгиликлар ● Воқеалар ● Хабарлар

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Чирчиқ «Электркимёсанот» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига корхонанинг 60 йиллик туйи муносабати билан табрикнома йўллади.

● Япониянинг Ўзбекистондаги маданият кунлари доирасида Аҳмад ал-Фаргоний номидagi Фаргона вилояти кутубхонасида Япония тўғрисидаги китоблар кўргазмаси ўтказилди.

● Туркменистонда янги байрам — Саломатлик куни нишонланди.

● Беларусь Президенти А. Лукашенко мамлакат армиясининг сезиларли даражада қисқартрилишини айтди.

● Грузияда энергетика секторининг бир қанча юксак лавозимли амалдорлари коррупцияда гумон билан ҳибсга олинди.

● Миср Олий суди турмушга чиққан аёлларнинг хорижий элларга эркин равишда чиқиш ҳуқуқини маъқуллади.

● Хитойда аҳоли сони 1,4 миллиарддан ошиб кетиши мумкин. Ҳукумат бунинг олдини олиш учун турли чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Айни пайтда бутун мамлакат бўйлаб барча муассасаларда тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Хитойда аҳоли сони йилга ўн миллионга ошмоқда. Агар ушбу суръати шу тарзда давом этса, 2050 йилда аҳоли сони 1,6 миллиардга етади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«ХАВАР» газетасига 2001 йил учун обундавом этмоқда! Газетамизга барча алоқа бўлимларида обунда бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи: Якка тартибдаги обуначилар учун — 227. Ташкилотлар учун — 228.

«ХАВАР» газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни ҳондонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обунда бўлишга шошилинг!

Ўзбекистон Давлат мулк кумитасида бир томондан «Европа тараққиёт банки», иккинчи томондан эса Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги уртасида «Ўзбектелеком» АЖ электра-лоқа корхоналарини хусусийлаштиришга тайёргарлик турғисидаги протоколни имзолаш маросими бўлиб ўтганди.

Протокол чет эллик ҳамкорлар иштирокида Ўзбекистон телекоммуникациялари соҳасини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида катта амалий ишлар сари қўйилган биринчи қадам бўлди. Бир неча йиллардан буён АҚШ, Япония, Германия, Англия, Жанубий Корея, Хитой, Индонезия, Малайзия ва бошқа мамлакатлар тадбиркорлари ўз сармоялари ва имтиёзли кредитлари билан Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини қайта жиҳозлаш ҳамда ривожлантириш дастурининг бажарилишида фаол иштирок этиб келишмоқда. Чет эллик операторлар, савдо, молия доираларидан эса ҳамкорлик ҳақида янгидан-янгидек тақлифлар тушяпти. Баъзилар ҳатто шартномаларни расмийлаштириш ишлари поёнига етишни кутмаёқ маблаг ажратиб, лойиҳадаги жиҳозларни етказиб бериш ишларини бошлаб юборишмоқда. Хорижий ҳамкорлар иштирокида алоқа корхоналарини янги техника билан қайта жиҳозлашга қаратилган катта микдордаги валюта лойиҳалари амалга ошириляпти.

Республика телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва қайта жиҳозлашнинг янги босқичи — алоқа корхоналарини кенг қўламда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусий-

натijasидир. Банкнинг телекоммуникация, информатика ва оммавий ахборот воситалари департаменти Директори жаноб Иззет ГҮНЕЙ мухбиримиз саволларига жавоб берди.

циялар ҳақида»ги ва бошқа қонунлар назарда тутилмоқда. Биз жарафнинг бошида турибмиз, шунинг учун эҳтиёткорлик билан ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни синчилаб ва чуқур урган-

ҳуқуқи билан сотиши «Ўзбектелеком» АЖ таркибини қайта тузиш ва хусусийлаштиришда қайд этилган. Бунинг учун ҳуқуқий ва меъёрий асосларни уйғунлаштириш, тарифлар мувозанатини сақлаш ва мустақил бошқарувни жорий этиш талаб этилади. Лойиҳа эса компания акцияларини сотишдан энг юқори натижалар олишга қаратилган.

«Европа тараққиёт банки» бу лойиҳада иштирок этишдан манфаатдор ва компанияни хусусийлаштириш борасида молиявий ёрдам тақлиф этиши мумкин. Эҳтимол, 50 млн. АҚШ долларлик акцияларни вақтинча сотиб олиш хизматини тақлиф этиши мумкин. Содда қилиб айтганда, «Европа тараққиёт банки» шу қиймат микдоридagi акцияларни сотиб олиш ва уни стратегик сармоядорга сотиб юбориши мумкин. Хозирча булар лойиҳа холос. Олдинда жиддий музокаралар, муҳокамаларнинг қийин босқичлари, ҳамкорликда ишлашнинг муддатлари ва ҳажмини аниқлаш каби ишлар турибди. Лекин ҳар иккала томон ҳам муваффақиятга ишонмоқда. Бу лойиҳани Ўзбекистон ҳукумати қўллаб-қувватлаши ва зарур ҳужжатларни қабул қилиши лозим бўлади. Зеро, яқин кунлар ичида тақлиф мулоҳазалар тушири кутилаётди. Чунки жорий йил охирида барча келишувлар туғилгани ва молиялаштириш бошланиши лозим.

К. АЛИЕВ

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР АКЦИЯЛАРИ: ЕВРОПА ОРҚАЛИ – ЖАҲОНГА

лаштириш билан ҳам характерлидир. Бу борада «Телекоммуникациялар ҳақида» Қонун қабул қилинди. Президент Фармони ва ҳукумат қарорига асосан ягона телекоммуникация «Ўзбектелеком» АЖ ташкил этилди («Маҳаллий Телеком» ва «Халқаро Телеком» АЖлари бирлаштирилди). Халқаро танловлар, шу жумладан «Ўзбектелеком» АЖ ташкил этилди ва республика телекоммуникацияларини ривожлантириш ҳамда қайта жиҳозлаш борасида стратегик сармоядорни аниқлаш бўйича халқаро маслаҳатчи танлови ҳам ўтказилди. Амалдаги ва янги ташкил этилаётган телекоммуникация тармоқлари акцияларининг 51 фоизини чет эллик сармоядорларга сотиш йўли билан хусусийлаштириш ва қонун билан тасдиқланиши кўнгини хорижий тадбиркорлар ва молия институтларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Европа тараққиёт банки» билан яқинда имзоланган ҳужжат телекоммуникация иншоотларини хусусийлаштириш борасида бошланган ишларнинг амалий

– Жаноб Гуней, энг аввало Ўзбекистонга ташрифингиздан кўзланган мақсад ҳақида эшитишни истар эдик.

– «Ўзбектелеком» АЖ ни хусусийлаштириш борасида музокараларни бошлаш компанияга, шунингдек, ҳукуматга чет эл сармоядорларини жалб қилишдек мураккаб ишда ёрдам бериш мақсадида биз Ўзбекистонга келдик. Бу нарса Ўзбекистонда мўлжалланган телекоммуникация тармоқларини хусусийлаштиришни банк томонидан қўллаб-қувватлашида муҳим омил бўла олади.

– Жаноб директор, марҳамат қилиб айтгингиз, Сиз ва сизнинг мутахассисларингиз республикамизда телекоммуникация иншоотларини хусусийлаштириш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий асослар билан танишиб улғурдингиз?

– Бу ҳужжатлар бўйича ҳулосалар чиқаришга ҳали эрта. Биз уларни экспертларимиз воситасида янада чуқуროқ урганамиз. Қонунларга ҳақиқий баҳо берамиз. Бу ерда «Телекоммуника-

ганимиздан кейингина масалалар турғи ҳал этилганига ишонч ҳосил қиламиз деб ўйлайман.

– Хозир гап телекоммуникация соҳаси ҳақида бормоқда. Унинг чет эл сармоядорларини қизиқтирувчи томонлари нималарда кўринад?

– Биз «Ўзбектелеком» АЖнинг ривожланиши учун катта имкониятлари борлигига ишонамиз. Бизнинг мутахассисларимиз ўзбек ҳамкасблар билан сармояларни бу соҳага жалб этиш масалалари устида ишлайди. Шу тарзда бизнес-план беш йиллик сармоядорларни Ўзбекистон телекоммуникацияларига жалб қилувчи барча ҳолатлар ҳисобга олинади. «Ўзбектелеком» АЖнинг имконият ва сармоялар доираси аниқланади.

– Жаноб Гуней, суҳбатингиз учун ташаккур.

Ҳўш, имзоланган протокол нималардан иборат? Аввало телекоммуникация соҳасига масъул булган давлат идоралари 51 фоиздан кам булмаган акцияларни хорижлик сармоядорларга бошқарувни назорат қилиш

• СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КУРСАТИШМОҚДА?

ДОНИЯ ОПАНИНГ БАХТИ

Дония опа алоқа бўлимига ташриф буюрган доимий мижозлардан газ, сув, электр ҳақи ва ер солиғи каби турли туловларни қабул қилиб, почтачиларнинг ишини осонлаштириш учун обуначиларга тарқатиладиган вақтл матбуот нашрларини саралашга ўтирган ҳам эдики телефон жиринглаб қолди.

– Лаббай, эшитаман, – деди мулоимлик билан Дония опа телефон гўшагини кутарар экан.

– Ие, ойбон, ҳалиям ишингиз туғамасми? – телефондан кенжа қизи Алфиранинг ҳақонланган овози эшитилди. – Ҳадемай меҳмонлар ҳам келиб қолишади. Ахир бугун сиз учун унутилмас, қувончи кун бўлсаю, сиз бамайилхотир утурсангиз!

– Ҳўп, она қизим, ҳўп. Бир-икки соатдан кейин уйга етиб бораман. Сен овқатга солинадиган масалликларни тайёрлаб тургин, ҳўпми. Мен бозордан яна ул-бул нарсалар харид қилиб бораман. Газеталарни саралаб бўлишим билан йўлга чиқаман.

Қаранг, Дония опа иш, уй-рузгор, бола-чақа ташвиши билан бўлиб 60 ёшга тулганини ҳам сезмай қолибди. Шунинг ҳам қизи эрталаб ёдига солмаганида узининг эсига ҳам келмаган бўлар эди. 60 йил! Ҳазилакам гапми! Шу давр ичида турмушнинг ўзига хос не не чигаллик ва мураккабликларини, қувонч-ташвишларини бошдан кечирмади дейсиз... Уз меҳнат фаолиятини телеграфчи вазифасидан бошлаган Дония опа Нигматзанова алоқа бўлими бошлиғи лавозимига-ча булган йўлни босиб ўтди.

Иккинчи уйдик қадрдон бўлиб қолган маскани Ақмал Икромов туманидаги 151-алоқа бўлимига ишга

келгани ҳам 25 йил бўлибди. Унинг ишчанлигини, жонқурлигини, билимига чанқоқлигини ва ўз мақсади сари интилувчанлигини кўра билган «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамиятининг мутасадди раҳбарлари уни 1979 йилда мазкур алоқа бўлимининг бошлиғи этиб тайинлашди. 1980 йилда эса Тошкент алоқа техникумига сиртдан ўқишга кириб, 1982 йили уни муваффақиятли тамомлади. Эндиликда уч ўғил ва икки қизнинг онаси, 11 нафар набиранинг бувиси, кўплаб «Фахрий Ерлик»лар ва муфотлар соҳиб Дония опани у бошлиқлик қилаётган алоқа бўлими хизмат курсатаётган маҳаллаларда танимайдиган инсон йўқ, десам муболага бўлмайди. Зеро, у ширинсуханлиги, дилқашлиги, самимилиги ва ҳрзиржавоблиги билан ўз мижозларининг ҳамда ушбу алоқа бўлимидан пенсия олувчиларнинг ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқда. Бинобарин, опанинг қизлари ҳам алоқачилик касбини эгаллашган. Катта қизи Розахон эса Дония опанинги муовини, кичик қизи Алфира эса 133-алоқа бўлимининг бошлиғи.

«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамиятининг вақтли матбуот тарқатилиш нашрларини тарқатиш билан шуғулланувчи мутасаддиларига баъзи бир эътирозларимиз бор, – деди кўюнақлик билан Дония опа. – Айрим кунларда газета ва журналларни идорамизга жуда кеч етказиб беришмоқдаки, бу обуначиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари пенсионерларга ҳамда кам таъминланган оилаларга пенсия ва нафақа пулларини тарқатишда ҳам узил-шиллар бўлиб турибди. Мана шу камчиликларни ўз вақтида бартараф этсак фойдадан ҳрли бўлмас эди.

Менинг ушбу алоқа бўлимида

ишлаётганимга 20 йилдан ошди, – дейди биз билан суҳбатда почтани Қосимжон Обидов. – Лекин ҳали бирон марта Дония опа бизнинг дилимизни ранжитганини билмайман. Аксинча, доимо бизни қўллаб-қувватлашга, оиламиз ҳрлидан хабар олишга, имкон борича биздан ёрдамини аямасликка ва доимо кўнгилимизни кутаришга ҳаракат қилади. Дония опанинг бир яхши жислати бор. Ҳаммадан барвақт ишга келиб, биз етиб келгунча ҳамма газета-журналларни саралаб, қайси бири қайси почтачига тегишли эканлигига қараб, уларни жой-жойига қўяди. Бундан ҳам обуначи, ҳам почтани манфаатдор. Бозор иқтисодиёти шароити шунини тақозо қилади. Чунки ҳозирги кунда 5-6 нафар почтачи бажарадиган ишни 3 нафар почтачи амалламоқда. Масалан, мен ўзим 500 дан зиёд пенсионерга пенсия пулини ҳамда газета-журналлар ва хат-хабарларни тарқатаман. Бу сиртдан қараганда осондек туюлса-да, кўп вақтни талаб қилади. Буни яхши англаган Дония опа мен бошлиқман деб қўл қовштириб ўтирмаддан, кези келганда операторнинг ҳам, сараловчининг ҳам ишини оғринмасдан бажаради. Шу боисдан Дония опага ҳурматимиз, меҳр-муҳаббатимиз чексиз.

Ҳа, чиндан ҳам эл ардоқлаган инсоннинг ҳурмат-мартабаси доимо баланд бўлади. 25 йилдан буён алоқачилик касбини эгаллаб келаётган, ҳозирда муборак 60 ёшини нишонлаётган Дония опанинг бахти ҳам мана шунда.

Исмоил ЗОИРОВ,
Тошкент шаҳри

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акционерлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2000 йил, 15 декабрь соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Манзил:

Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 17 уй.

КҮН ТАРТИБИ:

1. Телекоммуникация соҳасида бошқарувни такомиллаштириш ҳақида.
2. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» АЖ Қузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш.
3. Акционерлик жамиятининг меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
4. Бошқа масалалар.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
133-45-19; 55-77-17.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» АЖ Марказий филиал директори Нигматилла Курбонович СУЛТОНОВни туғилган кунини табриклаймиз. Келажақдаги ишларига омад, оилавий бахт, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Марказий филиал жамоаси.

«Андижон почтаси» АЖ Избоскан филиали жамоаси корхона директори Абдуғофуржон ХИРМОНОВНИ 50 ёши билан чин дилдан қўтлайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва оилавий хотиржамлик тилаб қолади.



ДУШАНБА, 13

«Узбекистон» телеканал

Телеомомаблар диққатга!

Профдиққатга мурожаат билад душанба, 13 ноябр «Узбекистон» телеканал кўрсатилган соат 15.00 дан бошбўх қўрсатилди.

15.00 «Олтин тоғ». Телевизион уйи. 15.20 ТВ-метро. 15.30 «Соғлом авлод»...

Телеканал «Ешлар»

8.55 Курсувлар дастури. 9.00 «Давр тонги»...

Телеканал «Тошкент»

17.55 Курсувлар тартиби. 18.00 20.00 23.00 00.55 «Ешлар»...

Телеканал «Ешлар»

17.55 Курсувлар тартиби. 18.00 20.00 23.00 00.55 «Ешлар»...

Телеканал «Ешлар»

17.55 Курсувлар тартиби. 18.00 20.00 23.00 00.55 «Ешлар»...

Телеканал «Ешлар»

17.55 Курсувлар тартиби. 18.00 20.00 23.00 00.55 «Ешлар»...

Телеканал «Ешлар»

17.55 Курсувлар тартиби. 18.00 20.00 23.00 00.55 «Ешлар»...

Камарун 16.20 ТВ-клип. 16.25 Кино янгиликлари...

Телеканал «Ешлар»

8.55 Курсувлар дастури. 9.00 «Давр»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Ешлар»

8.55 Курсувлар дастури. 9.00 «Давр»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Ешлар»

8.55 Курсувлар дастури. 9.00 «Давр»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Ешлар»

8.55 Курсувлар дастури. 9.00 «Давр»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Ешлар»

8.55 Курсувлар дастури. 9.00 «Давр»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

СЕШАНБА, 14

«Узбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

Телеканал «Ешлар»

8.55 Курсувлар дастури. 9.00 «Давр»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Телеканал «Тошкент»

7.30 «Пойтахт»...

Эшқобил ШУКУР... 1961 йили Сурхондарёнинг Кумкўрғон туманида туғилган. «Сочлари сумбул-сумбул», «Тунги гуллар», «Яшил қушлар» шеърӣй китобларининг муаллифи. «Ибтидо хатоси», «Нақшбанд» дostonларини ва «Оқибат оқшоми» қиссасини битган.

Шунингдек, бир қанча публицистик мақолалари, бадиалари, адабий жамоатчилик эътиборини қозонган.

Шеърӣй тўплamlари учун Усмон Носир номидаги муқофотга сазовор бўлган. «Олтин бешик», «Вақт», «Бир пиёла чой устида» кўрсатувларининг муаллифи ва бошловчиси.

Айни пайтда «Ёшлар» телеканалда Бош муҳаррир лавозимида ишлайди.

— Эшқобил ака, бадий ижод ва журналистик фаолиятингизда «Вақт»га кўпроқ мурожаат қиласиз. Бу ҳолдан қандай маъно англаса бўлади?

— Вақт жуда катта тушунча. Бутун бошли тарихдан тортиб биттагина биринчи синф укувчисининг мактаб партасидаги олаётган таҳсили — ҳаммаси ягона вақтнинг ичидадир.

Биз одатда, тарих деганда олисларда ўзимиздан узилиб қолган воқеъликни тушунаемиз. Ҳолбуки, биз уша тарихнинг ичида яшаймиз. Уни инкор этиб ҳам, усиз яшаб ҳам бўлмайди. Дейлик, мен яшаб турган тупроқда минг йил аввал бўлиб ўтган ҳодисалар нима учун менга бегона бўлиши керак? Мен бош харфлар билан ёзиладиган Одам исмига муносиб бўлишим учун тарихни қалбдан яшаб утмоғим зарур. Тарих бизнинг қалбимиз, тафаккуримиз, туйғуларимиз билан тирик. Бу дегани тарихни биз ҳаракатга келтираётганимиз дегани эмас. Аксинча, у бизни руҳан ҳаракатлантиради. Вақтнинг моҳиятини илғаш учун эса тарихни тўғри хис

ТУЙҒУ СЎЗГА МУҲТОЖ ЭМАС

қилиш керак.

— Сиз Ватанимиз тарихига гувоҳ бўлган қадимий манзилларда кўп бўлгансиз ва бу борада телевидение ва матбуотда ўз мулоҳазаларингизни мунтазам ёритиб боргансиз. Шу жа

миз. Хотирасизлик оғир иллат. Бир уйлаб куринг-а, кеча сиз билан саломлашган киши бугун йўқ бўлиши мумкин ва шу вақтдан бошлаб хотирамиздан уча бошлайди. Энди уни йўқ деб қабул қиламиз. Аслида шундаймикан? Биз

Қолаверса биз ер вақти билан яшаймиз. «Дунё — залолат водийси», деган эди ҳазрат Навоӣй. Ҳақиқатдан ҳам инсон шу залолат водийсида адашиб юрибди. Дейлик эрталаб ишга боришингиз билан кундалик ҳаёт ташвишлари овқдан тортиб, кишанлаб қуяди. Шундай қилиб уз қобигимизга ўзимиз урилиб қолаверамиз.

— Ижодкор сифатида шеърӣят учун энг муҳими нима деб ўйлайсиз?

— Бундан уч йил олдин айни шу саволга фақат туйғу деб жавоб берган бўлардим. Энди унга маҳоратни ҳам қушаман. Чунки сўз реакцион ҳам эмас, прогрессив ҳам эмас. Сўз — бу фақат, сўз. Сўзга туйғу (хис) бериш керак. Шунда сўз моддийлаштирилади, унга жон киради, тирилади. Сўз қудратга эга бўлади. Лекин туйғу сўзга муҳтож эмас. Гавсул Аъзам ҳазратлари — Менинг сукутимдан маъно англамаган одам, менинг сузимдан ҳеч нарса англамайди, деганлар. Ваҳоланки, боболаримиз бир жумлага бир олам маънони юклаб билганларки...

Бунда маҳорат ва туйғунинг уйғунлашуви сўзга нақадар қудрат бағишлашига гувоҳ бўламиз. Яқинда телевизорда курсатилган хорӣж филмида айни маҳорат ва туйғунинг уйғунлигини кузатдим. Унда улим ҳолатда ётган бир муаллимнинг укувчилари орага одам куйдириб, устозининг қайси дарахтни яши куришини билиб беришни суради. (Ғарбга хос урфодатга кура улган кишининг қабри теласига дарахт экилади).

Устоз эса, мен бу дунёда дарахтнинг ёмонини кўрмадим, деб жавоб беради. Шу каби, инсоний туйғуларнинг ёмони бўлмайди. Фақат уни англаш керак.

Туйғуларимиз омон бўлсин!

Х. КАРИМОВ
сўхбатлашди



раёндаги таассуротларингиз ҳақида сўзласангиз?

— Кўнча Урганч харобалари, Далварзин тепа қолдиқлари каби ажодларимиз яшаб ўтган масканларнинг барчасида ҳам ўн кунлаб бемалол айланиб юрсангиз-да, сира зерикмайсиз, балки кўнглингиз ёришади. У ерларда бўлганингизда сочилиб ётган сопол парчаларига боқиб, мушоҳада қилсангиз, уни ясаган инсонлар билан бизнинг орамизда ҳеч қанча вақт ўтмаганлиги аксланади. Тарих сизга ўз қалбини очади, шунда ўзимизнинг жуда-жуда тез унутувчанлигимизни англай-

қулимизга ушлаб ёки қузимиз билан курганимизни бор деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, қалбни ва хаёлни эркин куйиш керак. Шундагина барчаси «Вақт»да мавжуд эканлигига амин бўламиз. Биргина сопол синигини олиб қаранг, унда минг йилликларни хис қилишимиз мумкин. Биз сопол парчалари уни ясаган кулол кулларига қадрдон бўлгани каби менинг кулларим ҳам бегона эмас. Мана, бутун инсоният даври космогоник ҳисоб бўйича бир ярим соатни ташкил этади. Ваҳоланки, ушбу ҳисоб-китоблар ҳам инсон тафаккурининг маҳсулиқу!

ҶИРДАВСИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Ҳамиша ақлингни раҳнамо этгил,
Нолойиқ ишлардан олисга кетгил.

Ақлли бул, булгин безиён,
Ҳамиша тилингга булгин посбон.

Меҳнат тагидадир, эй оқил, ҳар ганж,
Ганж топмас ҳеч кимса тортмас эса ранж.

Ҳунар бирла ақлинг бириккан ҳамон,
Ҳар иш бу жаҳонда юришгай равон.

Қудратлидир кимки булса билимдон,
Билимдан кексалар дили навқирон.

Нодонликдан ёмонлик келади фақат,
Нодонга ёндошма, босмасин гафлат.

Икки дуст тураркан елкама-елка,
Тоғларни ҳам осон айлади тилка.

Кишига яхшилик қил, берма озор,
Фақат шу йўлни тугган марду хушёр.

Ёмонга қушилма, булурсан ёмон,
Қаросин юқтирар доимо қозон.

Республика радиозиттириши, радиоалоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош мутахассиси Софья Сагитовна Губайдулнага ораси

Амина ая НОСИРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Немис фуқароси Фридрих Ребольд ва француз қизи Матильда Эрнеларнинг муҳаббатлари ҳақиқий

ни қарангки, куёв томон ҳам уша пайтда оиласи билан яшаш жойини ўзгартирган ва бу ҳақда кизга хат

• Ажаб дунё

САРСОН БЎЛГАН МАКТУБЛАР

севги деб эътироф этилган. Улар бир-бирларига етишиш учун никоҳ кунини белгилашади. Бироқ оналарининг илтимоси билан маросимни икки йил кейинга қолдиришади. Шу вақт оралиғида қиз томонининг оиласи яшаш жойини ўзгартиришга мажбур бўлади ва бу ҳақда куёвга хат ёзади. Тақдир ҳазили-

ёзган эди. Афсуски, хатлар манзилни топмайди ва севишганлар айрилик азобига гирифторм бўладилар. Лекин яратган эгамнинг не-не кароматлари бор. Буни қарангки, ул ошиқ ва маъшуқалар 70 йилдан сунггина тасодифан учрашиб қолади ва бу сафар яна айрилик юз бермаслиги учун тезда туйларини ўтказишади.

Республика радиозиттириши, радиоалоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси, Андижон радиотелевидение узатиш маркази бош мутахассиси
Анатолий КАМОЛКИНнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир
ўринбосари:
Иzzат АҲМЕДОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУҲАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Шодмон ОТАБЕК
(Бош муҳаррир)
Абдугани
АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам КОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул
ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Тахририятга келган
кўлэмалар (2 ораликда,
5 бетдан ошмаслиги
лозим) ва суратлар
муаллифларга қайтарила
майди. Мақолалардаги
фикр-мулоҳазалар,
келтирилган факт ва
рақамлар масъулияти му
аллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-1039.
4839 нусхада чоп
этилди.

Офсет усулида
босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1
босма табоқ.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-
МАТБОО
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00